



## ШАХСДА БАҒРИЕНГЛИКНИ ШАКЛАНТИРИШГА ТАЪСИР КҮРСАТУВЧИ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАР

*Низомий номидаги ТДПУ*

*Редагогика ва психология факултети:*

*Педагогика юналии талабаси:*

*Нурмаматова Севара Собир кизи*

Маълумки, дунёдаги барча давлатларга кўп миллатлилик, кўп конфесиялилик, яна умумийроқ айтганда эса, маданий хилма-хиллик шароити хосдир. Бу эса табиий равишда, жамият аъзоларида ўзга миллат, элат, дин вакилларига нисбатан тоқатлилик, ўзаро ҳурмат, ҳамжиҳатлик, ўзаро тушуниш ва бошқа шу каби бағриенглик фазилатларини камол топтиришни тақозо этади. Бу кўп миллатли давлатда ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий барқарорликка эришишнинг асосий шартидир. Зеро, “...бағриенглик моҳият эътибори билан “бошқалар” ва “ўзгача” қадриятлар ҳақидаги билимлар, баҳолар ва унга асосланган амалий фаолият тизимини ўз ичига оладиган ижтимоий-маданий ҳодисадир” Бугун дунё глобаллашув, иқтисодий ва сиёсий интеграция жараёнлари таъсирида тобора яхлит ва бир бутун характер касб этиб бормоқда.

Капитал ва товарлар оқими билан бир қаторда уларнинг яратувчиси бўлган инсонларнинг ҳаракат доираси ҳам кенгайиб бормоқда. Бу эса одамлар орасида ўзаро муросасизлик, тоқатсизлик кўринишларини бартараф қилиш, жамиятда бағриенглик маданиятини қарор топтириш, шунингдек, инсонлар орасида ўзаро ҳурмат, самимий дўстлик қарор топтиришни бугунги куннинг муҳим вазифаси қилиб қўймоқда.

Мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат яшайди, улар турли хил динларга эътиқод қиласидилар. Уларнинг ягона Ватан, ягона байроқ остида бирлашишида миллий бағриенглик маданиятининг ўрни каттадир. Жамият ҳаётида тенглик ваadolat ғояларининг устувор бўлиши ва амалиётда ўз ифодасини топиши кўзланган мақсадларга эришишда, белгиланган ижтимоий-иктисодий, сиёсий-ҳукуқий, маънавий-маърифий мўлжалларнинг барча учун бирдек қадр-қиммат касб этишига, фуқаролар ўртасида бирдамлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро бир-бирини тушуниш, ҳурмат руҳи қарор топишига замин яратади.



Айни пайтда инсонларнинг манфаати, бугунги куни, балки истиқболига ҳам таҳдид солаётган хилма-хил заминда юзага келаётган тоқатсизлик, муросасизлик ва тажовузкорликнинг турли кўринишларига хос хусусиятларини ўрганиш, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва омилларни тадқиқ қилиш, уларни олдини олиш имконини яратади. Фуқароларда бағрикенглик қўнимаси ва малакасини шакллантириш эса бундай салбий ҳолатларнинг келиб чиқишига йўл қўймасликнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади.

Маълумки, бугунги қунгача жуда кўплаб илгор ижтимоий психология вакиллари, педагоглар, файласуфлар, социологлар томонидан шахсларда бағрикенглик (толерантлик)ни шакллантиришнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари муаммосини ўрганишга бағишлиланган талайгина тадқиқотлар олиб борилган Мазкур муаммо 20-асрнинг 2-ярмида жадал суръатларда ўрганила бошланди. Бағрикенглик феномени Б. Барбер, Дж.Берри, Дж.Оллпорт, М.Плизент, А.Тешфел, М.Уолцерлар томонидан этник хусусиятлари; файласуфлардан Р.Валитов, В.Шалин, В.Гараджа, Ю.Луховицкая томонидан фалсафий хусусиятлари; М.Ладыжец, В.Соколов, Л.Дробижевалар социологик тадқиқотларида бағрикенгликнинг этномаданий хусусиятларини, В.Лекторский бағрикенгликни қадрият сифатида; В.Шалин сиёсий зарурат сифатида; психологик хусусиятларини А.Асмолов, М.Миримановалар; этнопсихологик хусусиятларини Г.Солдатова, Т.Стефаненко, Н.Лебедева, Л.Дробижева, Л.Гумилев, В.Тишковлар; шунингдек, ўзбекистонлик олимлар В.Каримова, А.Бегматов, М.Маматов, Н.Сафаев, Э.Каримова, З.Қодирова, А.Шарипов, Б.Фарфиев, С.Отамуротов, М.Хажиева, А.Сайдов ва бошқаларнинг тадқиқотларида бағрикенглик тамойилларида алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, муқаддас Ислом дини тамойилларида асосланган ҳолда Қуръони Карим, Ҳадиси Шариф ва аждодларимиз ҳамда буюк сиймоларимиз асарларида (А.Навоий, А.Темур, аз-Замахшарий, Абу Лайс ас-Самарқандий, Имом ал-Бухорий, Термизий, Мотурудий) бағрикенглик масалаларига, миллий, диний, сиёсий бағрикенгликка алоҳида тўхталиб ўтилади, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг нутқлари ҳамда асарларида ҳам бағрикенглик масалалари кенг ўрин олган.

Мавзуга оид изланишларимиз натижасида диагностик текширувларимиз асосида айни глобаллашув шароитида миллий бағрикенгликнинг шаклланишига таъсир кўрсатувчи детерминантларни аниқлашга муваффак



бўлдик. Ушбу детерминантларни шартли равишда 2 га бўлиб, ташқи ва ички детерминантлар деб номладик (1-жадвал). Ташқи детерминантларнинг асосида субъект яшаётган мамлакатдаги сиёсий аҳвол, миллатнинг ижтимоий-тариҳий образи ҳамда қишлоқда, туманда, шаҳарда, катта шаҳарда, мегаполис ва пойтахтларда ёки ўз ватани ҳудудида яшаши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Тадқиқотлар давомида шу нарса аён бўлдики, пойтахт маркази билан бир қаторда вилоятлар шаҳар марказларида яшовчиларда туманлар ва қишлоқларда яшовчи кишиларга нисбатан миллатлараро муносабатларда бағрикенглик туйғулари яққол намоён бўлади. Бунинг сабаби аксарият бошқа миллат вакиллари марказларда истиқомат қилишлiği, қўп миллатли жамиятнинг ўзига хос хусусиятларидан бири сифатида этироф этиш мумкин.

Ички детерминантларда эса субъектнинг индивидуал хусусиятлари, ёши, жинси, темпераменти, ундаги “реал” ва “идеал” “Мен” образининг шаклланганлиги, шахслараро муносабат типи ҳамда ўзини ўзи баҳолаш, ўзини ўзи фаоллаштириш даражаси, низоли вазиятлардаги хулқ типи, этномаданий компетентлик даражаси, маданиятлараро мулоқотга психологик тайёрлик, маданиятлараро ўзаро тушуниш тажриба ва кўникмаси, шахс томонидан бошқа миллат вакилларининг идрок этилиши ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

### 1-жадвал

Шахс миллий бағрикенглигининг ижтимоий-психологик детерминантлари	
ташқи	ички
мамлакатдаги сиёсий аҳвол; миллатнинг ижтимоий-тариҳий образи; шахснинг ўз ватани тарихи ва маданияти хусусида билиши (когнитив соҳада); субъектнинг касбий йўналганлиги; мамлакатда миграциянинг ошиши; субъект яшаётган ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари (шаҳарда яшовчи	индивидуал хусусиятлари (ёш, жинс, темперамент); шахснинг индивидуал ўзига хос хусусиятлари (психологик ёши, “Реал” ва “идеал” “Мен”ининг шаклланганлиги; ўзини ўзи баҳолаш; ўз-ўзини фаоллаштириш даражаси; низоли вазиятларда хулқ типи;



диаспоралар, катта шаҳарларда, мегаполис ва пойтахтларда яшовчи диаспоралар, ўз ватани худудида (шаҳар, туман, қишлоқ) яшами	этномаданий компетентлик даражаси; маданиятлараро мулоқотга психологик тайёрлик; шахс томонидан бошқа миллат вакилларининг идрок этилиши; маданиятлараро ўзаро тушуниш тажриба ва кўникмаси
--	---

Шундай қилиб, миллий бағрикенгликни шакллантириш муаммоси замонавий этнопсихология назарияси ва амалиётидаги энг долзарб масалалардан биридир. Кўпмиллатли Ўзбекистонда тарихий равишда ўрнатилган миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаб бориш масаласи, замонавий ёшлар онгида нафақат моддий, балки маънавий глобаллашувга бўлган муносабатнинг фаол ривожланиши бизни шахснинг этник ўзига хослигини ҳамда миллатлараро толерантлик маданиятини шакллантириш жараёнига алоҳида эътибор қаратишимизни тақозо этмоқда.

#### **Адабиётлар рўйҳати:**

1. Асмолов А.Г. На пути к толерантному сознанию. – М.: Смысл, 2000. – 255 с.
2. Андреева Г.М. Социальная психология. 5-е изд. – М.: Аспект Пресс, 2010. – 363 с.
3. Бафаев М.М. Глобаллашув жараёнида миллий бағрикенгликни шакллантиришнинг ижтимоий-психологик детерминантлари. Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2021. – 45 б